

**КАТТА МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА АХЛОҚИЙ ПСИХОЛОГИК ТУШУНЧАЛАРНИНГ
ШАКЛЛАНИШИГА УЗБЕК ХАЛҚ ЭРТАКЛАРНИНГ ТАЪСИРИ**

Абдурахмонова Одина

Магистратура ФарДУ психология йуналиши 1-боскич талабаси

Аннотация

мақолада мактаб ёшидаги ўқувчиларни ахлоқий шаклланишида ўсбек халқ эртакларининг таъсири хақида сўз юритилади. Бу фаолият ўқувчиларнинг доимий камол топишлари ва таълим олишларига боғлиқ мактабдаги ижтимоий педагогик фаолиятнинг барча жиҳатларини очиб берилган.

Калит сўзлар: ижтимоий психология, тиббий, психологик, юридик, ижтимоий тарбия, фаолият, кўп болали оила, ҳамкорлик, мактаб рахбари.

Мактаб ёшидаги болалар билан ижтимоий педагогик иш олиб бориш мактабгача тарбия муассасаларидаги ижтимоий педагогик ишдан тубдан фарқ қиласди. Бу фаолият ўқувчиларнинг доимий камол топишлари ва таълим олишларига боғлиқ мактабдаги ижтимоий педагогик фаолиятнинг барча жиҳатларини очиб беришга ҳаракат қиласми. Республикаизда мактаб ўқувчилари билан ижтимоий педагогик иш олиб бориш ривожланмоқда. У қисман мозий тажрибаси, қисман замонавий педагогик тиббий, психологик, юридик фаолият турларига таяниб иш олиб бормоқда. Сўнгги йилларда педагогик жамоалар ҳам пайдо бўлиб, уларда мактаб нафақат таълим-тарбия масалаларини, балки ўқувчининг бошқа бир қатор ижтимоий муаммоларини ҳам ечмоқда. Давлатимиздаги ўзгаришлар мавжуд таълим тизимида ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Чунки унда жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий инқизози акс этмаслиги мумкин эмас. Умумтаълим мактаби ўзининг ўқув, тарбия ва ижтимоий функцияларини кўриб чиқиб биринчи ўринга қуйидаги ижтимоий функцияларни қўйиши керак эди: Таълим тўғрисидаги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини бажариш лозим эди, бироқ таълим болалар ва ўсмирлар манфаати асосида ташкил қилинмоқда. Мактабда тарбия ишини таълим билан teng юритиш. Мактаб фаолиятини қайта йўналтириш. Мактаб ишини, болалар фаоллигини ошириш, турли болалар клублари тузишга асослаш. Мактабнинг асосий ижтимоий вазифаси боланинг таълим-тарбия олишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш ҳисобланади. Замонавий мактаб шароитларида болаларнинг ижтимоий педагогик ҳимояси қуйидагича амалга ошмоқда: Мактаб маъмурияти, синф раҳбарлари, гуруҳ тарбиячилари, кам таъминланган оилалар фарзандларига моддий ёрдам, бепул овқатланиш ташкил қилишади. Синф раҳбарларнинг боланинг оиладаги ҳолатини ўрганишади. Тарбияси қийин болалар билан алоҳида шуғулланишади. Мактабда психологлари, бола қобилиятлари ва қизиқишлиарини ўрганишади. Психотерапевт ва психологлар ота-оналар ва болаларга маслаҳат беришади ва ёрдам беришади. Мактабда мавжуд бўлган соғлиқни сақлаш хизмати мактаб ўқувчиларини тиббий кўрикдан ўтказишади, жисмоний тарбия гуруҳлари тузишади, кучсиз болаларга махсус овқатланиш ташкил қилишади, карантин синфларини назорат қилишади. Мактабда ижтимоий ишга мактаб директори ёрдамчиларидан бири раҳбарлик қиласди. Тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари мактабнинг мактабгача тарбия муассасалари, турли ҳукумат ташкилотлари билан алоқасига катта эътибор қаратади. Ота-оналар қўмитаси ҳам ўз ўрнида

тарбияси оғир билан ишлашга ёрдам беради. Турли давлатларда ижтимоий педагог ишига икки ёндашув мавжуд: у мактаб билан ҳамкорлик қиласи ёки у мактабнинг штатли ҳодими ҳисобланади. Мактаб билан ҳамкорлик қила туриб ижтимоий педагог тез-тез мактабга бориб туради. Ота-оналар ва ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларининг яхшиланишига ёрдам беради, дарс қолдириш сабабларини аниқлади. У болалар билан қўпол муносабатда бўлган оилаларни, жисмоний ва руҳий нуқсонли болаларни аниқлади. Бола ёки оиласи ёрдам бериш мақсадида боланинг узоқ давом этган касаллиги сабабларини суриштиради, бола ўқишда ортда қолмаслиги учун у билан уйда ва касалхонада алоҳида шуғулланади. Бола тарбиясидаги муаммоларни хал қилиш учун хуқуқшунос, шифокор, милитция ҳодимлари хизматидан фойдаланади. Ижтимоий педагог ўқувчининг мактабдан ташқари вақтини ташкиллаштириб, ўз тарбиявий ишини олиб боришида ота-оналар билан ҳамкорлик қиласи. Ҳамкорлик юзасидан секция, клублар, ҳар хил меҳнат, туристик бўлинмалар ташкил қиласи. Ижтимоий педагог педагогик жамоанинг тарбияси оғир болалар билан иш олиб боришини тартибга солади. У мактаб педагогик жамоасига доимий тарзда синфдаги психологик муҳит тўғрисида ахборот беради. Айнан шу ҳолат мактабда ижтимоий иш олиб боришининг режасини тузишда муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий педагог мактабдан ҳайдалган болаларга алоҳида эътибор қаратиши керак. У уларни бошқа мактабга жойлаштиришга, янги жамоага кўникишларига ёрдам кўрсатади. Ижтимоий педагог дарс соатлари вақтида ноқонуний ишлаб юрган болаларни аниқлади, уларнинг ўқиш масаласини ҳал қиласи. У қўп болали оилаларнинг барча имтиёзларидан фойдаланишлари, болаларнинг реабилитация марказларга қатнашларини назорат қиласи. Бошланғич синф ўқувчилари ва синф раҳбарлари тумандаги оила ва ўқувчиларни ўрганиб чиқишиади. Ижтимоий ёрдамга муҳтож болаларга эътибор беришиади, тарбияси оғир болаларни тарбиялашда оилаларга ёрдам беришиади. Ўқув ишлари бўйича директор ўринbosари ўз фаолиятида тўғарак, секция, клубларни ташкил қилиш, ўқитувчининг ўқувчилар билан индивидуал ишлашини, яшаш жойида болалар билан консультация ўтказиши, алоҳида педагогик эътиборга муҳтож болалар билан иш олиб боришини назорат қиласи. Алоҳида фанлардан дарс берувчи ўқитувчилар болаларнинг қизиқишлигини ўрганиб чиқиб, уларни турли тўғарак ва секцияларга жалб қилишиади. Мактабда турли тадбирлар ўтказишиади. Бу тадбирларни ўтказишида ота-оналар ва собиқ ўқувчилар ёрдамидан фойдаланишиади, мактабга машҳур кишиларни чақиришиади. Мактаб ёшидаги болаларнинг асосий ижтимоийлаштирувчи омили болалар субмаданиятини шакллантирувчи тенгқурлар жамоасидир. Ижтимоий педагог бу ҳодисаларнинг функцияларини билиши, уларнинг ўқувчиларнинг шахсий ҳислатлари ва ижтимоий муносабатларини ривожлантиришдаги ўринларини кўра олиши лозим. Бола ижтимоийлашувининг шартларидан бири тенгқурлар билан муносабатга киришишдир. Бу муносабат болалар боғчаси гуруҳи, мактаб синфлари, турли норасмий болалар ва ўсмирлар бирлашмалари каби кичик гуруҳларда шаклланади. Болалар ва ўсмирлар гуруҳларида тенгдошлар орасида функционал, эмоционал шахсий муносабатлар ўрнатилади. Тенгқурлар гуруҳи одатда аъзоларининг худудий яқинлиги асосида шаклланади. Тенгқурлар гуруҳи индивидуал қизиқишлигини мос тушиши, расмий ташкилот (синф, гуруҳ ва бошқалар) борлиги ва гуруҳ аъзолари ўртасида шахсий муносабатлар мавжудлиги туфайли шаклланади. Бу муносабатлар гуруҳ аъзоларининг характер ва ўзаро таъсирларида, шунингдек синфда ролларни тақсимлашда намоён бўлади. Экспуриентал тадқиқотларда етакчиси бўлмаган гуруҳ аниқланмаган. Соҳавий этакчилар ҳам бўлиши

мумкин. Масалан, ақлий, эмоционал, ишбилиармон етакчи бўлиши мумкин. Тенқурлар гуруҳини бир неча параметрлар бўйича таснифлашимиз мумкин. Ижтимоий тизимидағи юридик мақомига кўра тенгқурлар гуруҳлари расмий, яъни жамият томонидан тан олинган, бирор бир давлат ёки жамоат ташқилоти билан боғлиқ бўлган гуруҳлар ва норасмий ўз-ўзидан мавжуд бўлган гуруҳларга бўлинади. Ижтимоий психологик мақомига кўра улар иккига бўлинади, яъни мансублик гуруҳи-унинг ҳақақий аъзолари мавжуд (синф, спорт клуби ва бошқалар) ва референт гуруҳи- бунга инсон мансуб эмас, бироқ ҳаёлан таянади. Сўнгги 10 йилликларда тенгқурлар гуруҳлари вояга этаётган авлод ижтимоийлашувида энг муҳим микроомиллардан бирига айланди. Аввалги даврларга қараганде уларнинг ўрни анча жиддийлашди, бунга бир қатор жараёнлар ўз таъсири кўрсатди. Урбанизация шунга олиб келдики, борган сари қўп болалар, ўсмирлар шаҳарларда яшашипти ва у ерда кўпроқ тенгдошлар билан муомала қилиш имконига эга бўлишмоқда. бу муомалани катталар тўлиқ назорат қила олишмайди. Катта оиласининг кичиклашуви бир болали ва тўлиқсиз оиласарнинг кўпайиши, оиласарнинг нотўғри ташкиллаштирилганлиги болалар учун оиласадаги эмосианал алоқаларнинг этишмовчилигини уйдан ташқарида тўлдириш заруриятини келтириб чиқаради. Болалар, ўсмирлар ва ўспириналар бир вақтнинг ўзида бир неча бир-бирдан фарқланувчи гуруҳларга аъзо бўлишлари мумкин. Расмий гуруҳлар (синф, спорт тўгараги ва бошқалар) болалар ижтимоийлашувига улар ҳаётий фаолиятининг мазмuni, уларда шаклланган ўзаро муносабатларнинг характеристига боғлиқ равишда таъсир кўрсатади. Норасмий гуруҳлар болалар, ўспириналар ва ўсмирлар ижтимоийлашувига уларнинг таркиби, йўналтирилганлиги еткачилик турига кўра таъсир кўрсатишади. Турли ёш ва ижтимоий маданий хусусиятларга эга бўлишига қарамай тенгқурлар гуруҳининг ижтимоийлашувдаги функциялари универсалдир. Биринчидан, гуруҳ аъзоларини шу жамият маданиятига ўргатади, яъни уларнинг хулқ-атворини гуруҳ аъзоларининг миллий, диний, минтақавий, ижтимоий мансублигига мослаштиради. Йиккинчидан, тенгқурлар гуруҳларида ижобий хулқ-атворга ўргатилади. Бу уларга намунавий хулқ-атворларни кўрсатиш, ғайри ижтимоий хулқ-атворларга нисбатан чора қўллаш орқали амалга оширилади. Уинчидан, тенгдошлар гуруҳлари болалар, ўсмирлар ва ўспириналарнинг катталар, хусусан отоналар таъсиридан автаномлашувлари жараёнида муҳим ўрин тутади. Тўртинчидан гуруҳ ўз аъзоларига ёш субмаданиятидан мустақил бўлиш имконини беради. Ўртоқлар ва оғайнилар гуруҳлари кийиниш, юриш-туриш борасида тенгдошлар жамиятига мос бўлишга ҳаракат қилишади. Шу билан бир вақтда ўз мустақилликларини ҳам сақлашади. Яъни бошқа болаларни ўз гуруҳларига қўшмасликка ҳаракат қилишади. Бешинчидан, тенгдошлар гуруҳлари болалар томонидан ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини белгилаб олиш масалаларини эчишга қулай ёки ноқулай шароитлар яратиб беради. Олтинчидан, гуруҳ ўз аъзолари томонидан “екологик чуқурлик” сифатида қабул қилинадиган спесифик ижтимоий ташкилот ҳисобланади. Гуруҳда эмоционал ва шахсий муносабатлар ҳам шаклланади. Болалар ва ёш ўсмирлар гуруҳларида эмоционал муносабатларнинг асосий функцияси тенгқурлар хулқ-атворини умумқабул қилинган хулқ-атвор нормаларига мослашдир. Бу ҳолатда дўстлик ришталари, симпатия биринчи ўринга қўтарилади. Аслида улар онтогенезда анча аввал пайдо бўлишган. Агар мактабгача ўшдаги бола уларга амал қилса, бу ҳолат бошқа болалар томонидан ижобий қабул қилинади. Шахсий муносабатлар гуруҳдаги ўзаро боғлиқлик бўлиб, бунда бир бола хулқ-атворининг сабаби бошқа бола учун шахсий маънога эга бўлади. Шахсий муносабатлар бола атрофдагилар билан муносабатда катталар ролини бажарганда ёрқин намоён бўлади. Болалар ҳамжамияти болалар

субмаданиятиниң ташувчиси ҳисобланади. Болалар субмаданияти-бу болаларга жамиятга кўнишиларига ва ўз нормаларини яратишларига қўмаклашувчи маданий ҳудуд ва муомала доирасидир.

Адабиётлар

1. Jalolova M. SENSORY DEVELOPMENT IN PRESCHOOL AGE //Archive of Conferences. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 153-157.
2. Jalolova, Mohinur. "SENSORY DEVELOPMENT IN PRESCHOOL AGE." Archive of Conferences. Vol. 25. No. 1. 2021.
3. Jalolova, M. (2021, May). SENSORY DEVELOPMENT IN PRESCHOOL AGE. In Archive of Conferences (Vol. 25, No. 1, pp. 153-157).
4. ИСАКОВА М. Т. СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ (УЗБЕКИСТАН) //СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ (УЗБЕКИСТАН) Учредители: Общество с ограниченной ответственностью" Центр инновационных технологий". – №. 8. – С. 45-52.
5. ИСАКОВА, МУЪАЗАМ ТУЛКИНОВНА. "СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ (УЗБЕКИСТАН)." СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ (УЗБЕКИСТАН) Учредители: Общество с ограниченной ответственностью" Центр инновационных технологий" 8: 45-52.
6. 13.ИСАКОВА, М. Т. СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ (УЗБЕКИСТАН). СОВРЕМЕННОЕ ОБРАЗОВАНИЕ (УЗБЕКИСТАН) Учредители: Общество с ограниченной ответственностью" Центр инновационных технологий", (8), 45-52.
7. Закирова М. С. РОЛЬ УЗБЕКСКИХ И РУССКИХ НАРОДНЫХ СКАЗОК В ФОРМИРОВАНИИ ЛИЧНОСТНЫХ КАЧЕСТВ РЕБЕНКА //ПРОБЛЕМЫ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО БЛАГОПОЛУЧИЯ. – 2021. – С. 325-331.
8. Закирова, Мухаббат Сабировна. "РОЛЬ УЗБЕКСКИХ И РУССКИХ НАРОДНЫХ СКАЗОК В ФОРМИРОВАНИИ ЛИЧНОСТНЫХ КАЧЕСТВ РЕБЕНКА." ПРОБЛЕМЫ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО БЛАГОПОЛУЧИЯ. 2021.
9. Закирова, М. С. (2021). РОЛЬ УЗБЕКСКИХ И РУССКИХ НАРОДНЫХ СКАЗОК В ФОРМИРОВАНИИ ЛИЧНОСТНЫХ КАЧЕСТВ РЕБЕНКА. In ПРОБЛЕМЫ ПСИХОЛОГИЧЕСКОГО БЛАГОПОЛУЧИЯ (pp. 325-331).